



# ИНСОН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 10 декабр, жума №176 (823)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Республика Таълим марказида «Таълим тизimini ислох қилишда Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларига қўмак» ТАСИС лойиҳасининг якуний анжумани бошланди. Унда тегишли вазирлик ва ташкилотлар, олий ўқув юртлири раҳбарлари, халқ таълими ходимлари, хорижий эксперт ва маслаҳатчилар қатнашмоқда.

## ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЖИЗЗАХЛИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

9 декабр куни Жиззах шаҳрида Фидокорлар миллий демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоди кўрсатилган Ислам Каримовнинг вилоят сайловчилари билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда Жиззах вилояти меҳнаткашлари, хўжалик раҳбарлари ва тадбиркорлар, галлакорлар ва чорвалдорлар, хотин-қизлар ва зиёвчилар, сиёсий партиялар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар.

Учрашуви Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловини ўтказувчи 4-Жиззах округ сайлов комиссиясининг раиси Хидир Шукуров очди. Сўнгра номзоднинг ишончли вакили, Жиззах туманидаги Ҳамрокул Носиров номи жамоа хўжалиги пахтачилик бригадаси бошлиғи, Ўзбекистон Қаҳрамони Парда Зиёдов сайловчиларни Президентликка номзод Ислам Каримовнинг таржимаи ҳоли ва дастури билан таништирди. У Президентликка номзоднинг мамлакатимиз мустақиллигини қўлга киритиш ва мустақамлаш, миллий ўзбек давлатчилиги асосларини яратиш, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш, тарихий

қўйсангиз, жонини беради». Ислам Каримовнинг бу даъвати сайловчилар томонидан катта эҳтиром билан қабул қилинди.

Шундан сўнг сайловчилар сўз олишди. «Жиззах овози» газетаси бош муҳаррири Ақром Иноров, вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси, шоира Сайёра Тўйчиева, Жиззах олий авиация билим юрти взвод командири Шокир Холиқов, Жиззах тиббиёт билим юрти талабаси Барно Қодирова сўзга чиқиб, мамлакатимиз тинчлиги ва озолини, юрт озодлиги ва ободлигини, фарзандлар бахту саодатини, Ўзбекистоннинг буюк келажagini Ислам Каримов сиймосида кўришларини, шу босидан ҳам 2000 йил 9 январ куни яқиндаги ва ҳамжиҳатлик билан унга овфз беришларини билдирдилар.

Мусулмон НАМОЗ (УЗА).

— Мана, ният биз ҳам ўзимиз учун катта синов — Авиаходимлар касабаси уюшмаси Марказий кўмитасининг ўтган беш йиллик фаолиятига баҳо бериладиган ҳаяжонли даҳзаларга етиб келдик. — деди муҳбиримиз билан суҳбатда Сатторали Камбаров. — Ҳўш, бу даврда қандай натижаларга эришилди, ечилмай қолган муаммолар нималардан иборат? Биз ўз қурултойимизда ана шулар ҳақида бафуржа гаплашиб оламиз. Авиаходимлар касабаси уюшмаси Марказий кўмитаси раиси Сатторали Камбаров бўлажак қурултой муносабати билан бизга яна шуларни сўзлаб берди:

## ИНСОН ҚАДРИ — АСОСИЙ МЕЗОН

— Мамлакатимизнинг истиқлолга эришуви авиаходимлар касабаси уюшмасининг мустақиллигини ҳам таъминлади. Аммо аъзоларимиз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш юзасидан эришган ютуқларимиз энг аввало юртимиздаги ижобий сиёсий ва иқтисодий вазият туғайли, муҳтарам Президентимиз Ислам Каримов раҳбарлигида олиб борилаётган ички ва ташқи тинчликсевар сиёсат шарофатидандир.

Шуни ифтихор билан таъкидлаш мумкинки, бугун «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси катта нуфузга эга. Йўловчиларни ташиш бўйича жаҳонда мавжуд рақобатта бардош берган ҳолда, ўзининг қонуний ўрни ва йўналишини белгилаб олган компаниямиз меҳнат ахлининг эртанги кунга ишончи катта. Муҳими, авиакомпаниянинг равнақи охир пировардида ҳар бир меҳнаткаш манфаатларига ҳизмат қилишни барча бирдек англаб турибди. Шу йил октябр ойида маошлар ўртача 30 фоизга оширилган, авиаходимларнинг иш ҳақи 12 минг сўмдан 26 минг сўмгача етди.

Барқарор ва энг муҳими, мунтазам туланадиган иш ҳақидан ташқари кўп йиллик меҳнат учун лавозим маошининг 50 фоизи-

га қадар пул, шунингдек, авиаходимларнинг барча тоифаларига меҳнат кўрсаткичларига қўра қўшимча ҳақ тўлаш жорий қилинганлиги, бу шак-шубҳасиз, раҳбарият ва касабаси уюшмалари ўртасида яхши муносабатлар ўрнатилганлигининг, битим ва меҳнат шартномалари оришмай ишлаётганлигининг тасдиғидир.

Бундан ташқари пенсияга кузатилаётган фахрийларига ҳақи бир йўла 7,5 ойлик иш ҳақи миқдоридан ёрдам кўрсатилиши йўлга қўйилганки, бунинг учун шу кунгача 55 миллион сўм сарфланди. Кези келганда, меҳнаткашларни ҳар томонлама муҳофаза қилиш юзасидан фазлалашга эътибор қўйиб бораётганлигини айтишим лозим. Фақат шу йилнинг ўзига авиаходимлар касабаси уюшмаси бюджетдан мингдан зиёд кишига моддий ёрдам кўрсатилди, табиий офатдан зарар кўрган 30 киши эса марказлашган бирдамлик фондида 90 минг сўмгача, жами 870 минг сўмлик қўмак олдилар. Фарзандларига дарсликлар ва ўқув қуроллари сотиб олиш учун ота-оналарга 2,5 миллион сўм миқдорда маблағ ажратилди. Шунингдек, Тошкент фуқаро авиация институтини ва тармоқ техникумларида тахсил олаётган иқтисодий талабалар стипендиясига қўшимча туланмоқда.

Лекин энг яхши имтиёз ва ижтимоий ҳимоя, бу мунтазам иш жойига эга бўлиш-

ди. Тармоқ касабаси уюшмаси бу йўналишда жиддий шугулланмоқда. Энг муҳими, ҳар гал ушбу масала кўндаланг бўлганида, юзага келган муаммони ортқиқа зиддиятлар, маъмурият билан тил топишган ҳолда ечишга эришилмоқдаки, бу умумий вазиятга ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Меҳнаткашлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни меҳнат, саломатлик ва атроф-муҳит муҳофазаси тасаввур этиб бўлмайди. Зеро, турли даражадаги касабаси уюшма органлари фаолиятининг йўналиши мулк ва хўжалик юритиш шаклидан қатъи назар идоралар, корхона ва ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш юзасидан амалдаги қонунчилик, меъёр ва қоидаларга риоя этилиши устидан назорат ва жамоатчилик қузатувини қўчайтиришга қаратилгандир. Агар 1994-96 йилларда 20 тадан бахтсиз ҳодиса юз берган бўлса, 1998 йилда у 15 тага камайди. Жорий йилда фақат 8 марта шундай ҳодиса қайд этилди.

Меҳнат қонунчилигига риоя қилиш катта аҳамиятга эга. Афсуски, учинчи ҳамда авиация-техник мажмуалари, шунингдек, «Тошкент» аэропорти раҳбарияти томонидан бу қоидалар бузилиши кузатилди, шу боис биз ўз эътирозимизни айтиб, аҳолини унглашга мажбур бўлдик.

Уй-жой билан таъминлаш, ёзги ва қишки дам олишни ташкил қилиш, спорт ва маданий тадбирларни ўтказиш касабаси уюшмаларининг фаолият доирасига қиради ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолаверадди. Зотан, Самарқандда касабаси уюшма аъзоларимиз учун

мўлжалланган турар-жой қурилиши ниҳоясига етди, икки ётоқхона тула таъмирдан чиқарилди, 48 хонали оилавий типдаги ётоқхона сотиб олинди. Ўтган беш йил мобайнида тармоқ касабаси уюшмаси Марказий кўмитаси йўналиши бўйича авиаходимлар ва уларнинг оилаларини соғломлаштириш ва дам олишларини уюштиришга қариб 121 миллион сўм сарфланди. Санаторий ва дам олиш уйларига тўққиз мингга яқин йўлланмалар тарқатилди. Парҳез таом учун талонлар берилди; соғломлаштириш оромоҳлари га берилган 7374 та йўлланманинг 1058 таси Орол бўйи болаларига бепул тарқатилди. Бундан ташқари маданий-оммавий ва ўқув-спорт тадбирларига 1 миллион 700 минг сўмдан ортқиқ маблағ сарфланди. Ҳаёт бизга бир нарса ни ўргатмоқда: даволашга сарфланадиган пулни спорт-соғломлаштиришга сарфлаган афзал, чунки бу ҳам тўғри, ҳам арзонга тушади.

Маълумки, авиаходимлар касабаси уюшмаси Фуқаро авиацияси, Давлат авианазорати, метеорологик хизмати, Тошкент авиация институтини, бир қанча қўшма корхона ва ташкилотларни ўз ичига олади. Бир сўз билан айтганда, бизнинг тасарруфимизда 32 та бошланғич ташкилот мавжуд. Ҳисобот даврида 7 Пленум ва 40 Ҳайъат мажлислари бўлиб ўтди, 500 дан зиёд масала кўрилиб, уларнинг тахминан учдан бири қисми у ёки бу даражада иш ҳақи, қўшимча имтиёз, карфолат ва тоновларни жорий этишга бағишланди. Илгор тажрибалар умумлаштирилди, йўл қўйилган жиддий нуқсонлар юзасидан қатъий чоралар кўрилди. Яхши ишлаган касабаси уюшма ходимлари ва фаолларидан минг нафари рағбатлантирилди.

Айни вақтда кадрларни ўқитиш ўз ҳолига ташлаб қўйилганлигини тан олиш керак. Энди-энди бу ҳолга чек қўйиш учун таъсирчан ҳаракатлар бошланди. Қурултой нафақат эришилган натижалар якуни, эртанги кун томон қўйилладиган дебоча, келгуси беш йиллик фаолият учун ҳаракат дастурини қабул қилишдек масъулиятли имкон ҳамдир. Бир нарса аниқ: ислохотлар ислохотлар учун эмас, ислохотлар инсонлар учун, деган шпор билан янги асрга қадам қўётган мамлакатда бундан буён ҳам меҳнат кишиши кадр топавради.

## Бастакорлар даъвати

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасида 2000 йил 9 январда ўтказиладиган мамлакатимиз Президентини сайловига Ислам Каримов номзодини қўллаб-қувватлашга бағишланган митинг бўлиб ўтди. Уни уюшма раиси Р.Абдуллоев очди.

Мусиқашунос олим, Тошкент давлат консерваторияси профессори А.Жаббаров, бастакорлар Х.Раҳимов, А.Мансуров ва бошқалар митингга сўзга чиқиб, истиқлол йилларида халқимиз маънавияти, маданияти ва санъати тарқиёти бевосита давлатимиз раҳбарининг номи билан боғлиқ эканини таъкидладилар. Юртимизда ҳар йили ўтказиладиган қўшиқ байрами ва қўллаб-қўриқ-танловлар, «Шарқ тароналари» халқаро фестивали ва бошқа анжуманлар санъатимиз довуғини бутун дунёга ёймоқда.

Тадбир қатнашчилари ўз ҳамкасбларини Ўзбекистон Президентини сайловига Ислам Каримов учун овоз беришга чақирдилар.

(УЗА).

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

### Имом Абу Мансур ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллигини нишонлаш тўғрисида

Калом илмининг асосчиларидан бири, ҳадис ва фикҳ оламининг равнақиға улкан ҳисса қўшган йирик алома, буюк ватандошимиз Абу Мансур ал-Мотуридий илмий-диний меросининг халқимиз маънавий-руҳий ҳаётидаги бекиёс ўрни ва мамлакатимиз кенг жамоатчилиги тақлифларини ҳисобга олиб ҳамда ушбу меросни авайлаб-асраш, кадрлаш ва жамиятнинг баркамол кишиларини тарбиялашда ундан оқилона фойдаланишга шарт-шароит яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги дин ишлари бўйича кўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси ва жамоат ташкилотларининг 2000 йилда Имом ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллигини кенг нишонлаш ҳақидаги тақлифлари маъқуллансин.

Ушбу санага тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ташкилий кўмитаси таркиби ҳамда Имом ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тадбирлари режаси тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Самарқанд вилоят ҳокимлиги билан биргаликда: Самарқанд вилоятининг Регистонга туташ Чокардиза қабристонидида Имом ал-Мотуридий мақбарасини реконструкция қилиш;

мамлакат ҳудудидаги Имом ал-Мотуридий номи билан боғлиқ қадамжолар, обидалар рўйхатини аниқлаш ва уларни таъмирлаш-консервация қилиш бўйича белгиланган тартибда тақлиф тайёрласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Фанлар

академияси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги дин ишлари бўйича кўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги билан биргаликда «Имом ал-Мотуридий ва унинг ислом фалсафасида тутган ўрни» мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман ўтказсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитаси Имом ал-Мотуридий асарлари ҳамда унинг ҳаёти ва ижодига оид нашрларни ўзбек, араб, рус ва инглиз тилларида чоп этишни нашриётлар режасига киритсин.

5. Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Имом ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллигига бағишланган почта маркалари ва хат-жиддлар чиқарсин.


6. Ўзбекистон телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситалари Имом ал-Мотуридий ҳаёти ва илмий фаолиятини, юбилейга тайёргарликнинг боришини кенг ёритсинлар.

7. Имом ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш жараёнида Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, хомийлик қилиш истагини билдирган хорижий ташкилот ва jisмоний шахсларнинг ўз улушларини қўшиш ҳақидаги тақлиф-истаклари қўллаб-қувватлансин.

8. Маъмур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Х.Кароматов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1999 йил 9 декабр



(УЗА).

Яқинда Бухоро, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм вилоят касабаси уюшмаларининг конференциялари бўлиб ўтди. Уларда мукоамага қўйилган масалалар юзасидан ошқора фикрлар, аниқ тақлифлар билдирилди. Маърузачи ва нотиклар Президентимиз раҳнамолигида изчил олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатни яқдил қўллаб-қувватлаган ҳолда Олий Махлис ҳамда маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган демократик сайлов натижалари мамлакат равнақи, тарқиётига хизмат қилажаси ишонч билдирдилар.

Шунингдек, сўзга чиққанлар йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, муаммолар ечимига баҳамжиҳат йўл топиш ва улардан тўғри хулоса чиқариш, истиқболга мўлжалланган ҳаётий муҳим вазифаларни изчил бажариш лозимлиги-

га эътиборни қаратдилар. Конференциялар пировардида ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Жумладан, бўлиб ўтган пленумлар-

да С.Сайфуллаева Бухоро вилоят касабаси уюшмалари Кенгаши раиси, Н.Ақбаров Сирдарё вилоят касабаси уюшмалари Кенгаши раиси, А.Аҳмедов Сурхондарё вилоят касабаси уюшмалари Кенгаши раиси ва М.Юсупов Хоразм вилоят касабаси уюшмалари Кенгаши раиси этиб сайландилар.

Шунингдек, кеча Тошкентда Ўзбекистон Маданият ходимлари ва Ўзбекистон Савдо, умумий оватқилиши, матбуот кооперацияси ва тадбиркорликнинг турли шакллари ходимлари касабаси уюшмаларининг қурул-

лар. Икки тармоқда ҳам ходимлар ва ишловчиларни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий ҳимоялаш, меҳнат муҳофазаси билан жиддий шугулланиш, битимлар ва жамоа шартномалари бандлигини тула бажарилишига эришиш, иш ўринларини қўпайтириш, меҳнат интизомни бузилиши ва бошқа салбий ҳолатларга муросасизлик каби масалалар қизғин муҳокамага сабаб бўлди.

Ташкилий масалалар кўрилган пленумларда М.Жалилова Ўзбекистон Маданият ходимлари касабаси уюшма Марказий кўмитаси раиси, М.Ҳошимова эса Ўзбекистон Савдо, умумий оватқилиши, матбуот кооперацияси ва тадбиркорликнинг турли шакллари ходимлари касабаси уюшма Марказий кўмитаси раиси этиб сайландилар.

## Нав танлашда ҳикмат кўп

Навбахор тумани Охунбобоев номидаги ширкат хўжалигида гапладан мўл ҳосил олишга эришилмоқда. Бунда истиқболли навларни танлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, «Улуғбек-600», «Диметра», «Санжар-8», «Половчанка», «Купала» навлари маҳаллий иқлим шароитида яхши самара бераётир. Айни вақтда хўжаликда бошоққидон эканларини парваришлаш, ўғитлаш, суғориш ишлари амалга оширилмоқда. Фаллазорлар 60 нафар пудратчига бирктирилган.



# КАСАБА УЮШМАЛАРИ МЕҲНАТКАШЛАР ҲАҚ-ҲУҚУҚИНИНГ УСТУВОР ҶИМОЯТИСИ

## Самарқанд

— **Зухра опа, сиз бошқараётган тармоқ касабаси уюшмаси қўмитасининг қамрови қандай? Улар фаолиятида аёлларнинг ўрни-чи?**

— Қўмита 208 та бошланғич касабаси уюшмаси ташкилотини бирлаштиради. Бу бошланғич ташкилотларга 41 мингдан ортиқ киши аъзо бўлиб, шундан 70,9 фоизи хотин-қизлардир. Аёлларимиз ташкилотга аъзо бўлибгина қолмай, балки унинг фаолиятида бевосита иштирок этаётдилар. Жумладан, юзга яқин бошланғич ташкилотни хотин-қизлар бошқараётди. Тармоқ бўйича 13 нафар бошқа ишлардан озод этилган касабаси уюшмаси раиси бўлса, шундан 8 таси аёллардир. 12 та аёл вилоят касабаси уюшмалари қўмитаси аъзоларига сайланган.

қабул қилинган битим, шунингдек, 91 та жамоа шартномасида аёллар учун қатор имтиёзларни яратиш кўзда тутилган. Жумладан, иш ўринларини сақлаб қолиш, янгиларини барпо этиш, оммавий қисқартиришларнинг олдини олиш, касбига яқин мутахассисликка ўқитиш, даромади кам оилалар болаларини дарсликлар билан таъминлаш, стационар даволашда моддий ёрдам кўрсатиш, спорт орқали соғлиқларини тиклаш —

дамли олиш, соғломлаштириш оромгоҳларига бориш учун йўланмага эга бўлаётдилар. «Хужум» ва «8-Март» ҳиссадорлик жамиятлари қошидаги санаторий-профилакторийларда жорий йилнинг тўққиз ойида 954 киши хордик чиқарди. Республикадаги турли соғломлаштириш даргоҳларида ҳам кўп аёлларимиз муолажа қабул қилдилар. Бу борада айниқса, хомилдор ва гинекологик касалликка чалинган аёлларга алоҳида

ятида яна бир ибратли иш йўлга қўйилганки, буни алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу ерда хомилдор аёллар учун алоҳида иш ўринлари (30 та иш ўрни) ташкил этилган бўлиб, улар фақат энгил меҳнат билан шуғулланиши учун шароит яратилган. Шунингдек, бу аёллар хомилдорлик таътили давомида бепул овқатланиш учун бериладиган талондан фойдаланадилар.

Тахлиллар шуни кўрсатаётдики, санаторий-профилакторийларда даволанганларнинг ҳасталиниши 45 фоизга камаймоқда. Буни Самарқанд кимё заводида қарашли санаторий мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган шифоҳонада игна-терапия, шифобахш сув ва балчиқ билан даволаш каби янги усулларнинг қўлланиётгани миждоҳларни хушнуд этмоқда.



Суратда: санаторий-даволаш жараёни.

### АЁЛГА ЭЪТИБОР — КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

— дейди Самарқанд вилояти энгил, мебел санаяти ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касабаси уюшмаси қўмитаси раиси **Зухра Маматқуллова**

— **Ушбу йилнинг Аёллар йили деб аталгани тармоқдаги хотин-қизлар ҳаётида ўз аксини топаётган бўлса керак.**

— Албатта. Олий Мажлиснинг XIV сессиясида Президентимиз И.Каримов хотин-қизлар меҳнатини энгиллаштириш, яшаш ва меҳнат шaroитини яхшилаш, аёлнинг оилада, жамоада, давлатда макенини кўтариш йўлида барча жаҳонларда, жамоа ишларида уларнинг фаолигини ошириш муҳимлигини таъкидлагандилар. Ана шу давлатга жавоб сифатида 1998 йилнинг 22 декабрида вилоят касабаси уюшмалари қўмитаси президиуми аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий манфаатларини ҳимоялашга йўналтирилган Дастур қабул қилди. Вилоят касабаси уюшмалари қўмитаси ва еттига тармоқ бирлашмаси ўртасида

буларнинг ҳаммаси юқорида тилга олинган ҳужжатларда қайд этилган. Масалан, «Нафис», «8-Март», «Мусаффо», «Хужум» ҳиссадорлик жамиятларидаги соғлиқни сақлаш пунктларида хотин-қизлар мунтазам равишда ички касалликлар ҳақими, акушер-гинеколог кўригидан ўтказилди. Бу корхоналарда касабаси уюшмаси ташкилоти тиббий эътибор сарф-харajatларини корхона ҳисобидан ундиришга эришди. Фақат бизнинг тармоқда, коммунал хўжалик бошқармаси қошида кичик поликлиника фаолият кўрсатаётди. Маъмуриятлар билан ҳамкорлик қилишда ҳам гап кўп. «Самвилгаз», «Иссиқлик манбаи» бирлашмалари, «Нафис» ҳиссадорлик жамиятида ишчи-ҳодимлар нафақат касабаси уюшмаси ҳисобидан, балки маъмурият кўмаги билан ҳам

эътибор берилди. — **Одатдаги иш кунларида хотин-қизлар қандай имтиёزلардан фойдаланадилар?**

— «Самвилгаз», «Самсет» бирлашмаларида аёллар иш кунини бир соатга қисқартирилади. «Нафис», «Хужум», «Мусаффо», «8-Март» ҳиссадорлик жамиятларида барча ишчи-ҳодимларнинг йўлкира тўламаи ишга қатнаши таъминланган. Тажриба заводи, «Нафис», «Мусаффо», «Мабелпром» ҳиссадорлик жамиятлари хотин-қизлари ушбу йилда одатдаги меҳнат таътилига қўшимча тарзда 3-5 кун дам олишлари мумкин бўлди. «Иссиқлик манбаи» ва «Самвилгаз» бирлашмаларида эса меҳнат таътилига чиқаётган ҳар бир ходим таътил пулидан ташқари бир ойлик маош миқдоридидаги маблағ билан тақдирланади. «Нафис» ҳиссадорлик жамияти

таътил берилди. — **Одатдаги иш кунларида хотин-қизлар қандай имтиёزلардан фойдаланадилар?**

— «Самвилгаз», «Самсет» бирлашмаларида аёллар иш кунини бир соатга қисқартирилади. «Нафис», «Хужум», «Мусаффо», «8-Март» ҳиссадорлик жамиятларида барча ишчи-ҳодимларнинг йўлкира тўламаи ишга қатнаши таъминланган. Тажриба заводи, «Нафис», «Мусаффо», «Мабелпром» ҳиссадорлик жамиятлари хотин-қизлари ушбу йилда одатдаги меҳнат таътилига қўшимча тарзда 3-5 кун дам олишлари мумкин бўлди. «Иссиқлик манбаи» ва «Самвилгаз» бирлашмаларида эса меҳнат таътилига чиқаётган ҳар бир ходим таътил пулидан ташқари бир ойлик маош миқдоридидаги маблағ билан тақдирланади. «Нафис» ҳиссадорлик жамияти

«ШиФокор» ашула ва рақс дастасининг энг фаол иштирокчилари опа-сингил Тамара ва Санам Гафуроваларни Самарқандда танимайдиган санъат шивандаси йўқ десам, муболага бўлмайди. Улар 1997 ва 1998 йилларида ўтказилган туман ва вилоят «Хамшира» кўрик-танловидида голиб чиқиб, республика миқёсида совриндор бўлишди. «Оҳалик» участка шифохонасининг ҳамшираси Дилюром Зайниева ва туман марказий шифохонасининг ҳамшираси Маҳбуба Очиловлар эса вилоят тармоқлараро бадиий ҳаваскорлик тўғрисидаги иштирокчилари кўрик-танловининг бир неча бор голиби.

Бир сўз билан айтганда, ҳеч бир танлов йўқки, унда

### Маънавият

**Ушбу ҳаваскорлик дастаси 1983 йилда ташкил топан бўлиб, 1999 йилга келиб унинг иштирокчилари сони 30 кишидан ошиб кетди. Утган 16 йил ичида даста репертуари янги-янги асарлар билан бойиб борди. Агар илгари кўшиқ айтиш ва рақсга тушиш билангина чекланишган бўлса, бугунги кунга келиб, улар кичик-кичик сахна асарлари билан ҳам барчанинг олқишига сазовор бўлмоқдалар.**

ни қўлга киритди. Бугунги кунда «ШиФокор» дастасининг иштирокчилари туман марказий шифохонаси маъмурияти ва касабаси уюшмаси қўмитасининг бевосита раҳбарлигида «Зарафшон», «Даштакибол», Ф.Қосимова номли, «Дўстлик» ва «Қўлба поён» кўшқоч участка шифохоналарида бўлиб, мамлакатимизда

### ФАОЛИЯТ ОЙНАСИ

Касабаси уюшмалари вилоят кенгаши ўз сафида 4680 бошланғич, 5556 цех қўмиталари, 5910 касабаси уюшма гуруҳларини бирлаштирган. Шунингдек, 8 вилоят тармоқ касабаси уюшма қўмиталари, 36 шаҳар ва туман қўмиталари ва 5 вилоят тармоқ кенгашлари мавжуд.

1997-1999 йиллар мобайнида бандлик хизмати органларига 78102 киши иш сўраб мурожаат қилган бўлиб, уларнинг 42385 нафари меҳнат биржалари орқали турли касблар бўйича ишга жойлаштирилган. 3816 киши қайта ўқитилиб, малакасини оширган. Ишга жойлаштирилганларнинг 6544 нафарини хотин-қизлар ташкил этади.

Вилоятда жорий йилнинг ун ойи яқини бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг юқори кўрсаткичи алоҳида ҳодимларига тегишли бўлиб, 9212 сўмга етди. Бу кўрсаткич санаятида — 8344 сўм, қурилиш ташкилотларида — 7244 сўм, уй-жой коммунал хизматида — 7068 сўм ва фан ходимларида — 6270 сўмдан иборат бўлди.

Вилоят аҳолисининг сони бугунги кунда 2659,9 минг кишига етган. Шулардан бир қисми алоҳида ижтимоий ҳимояга муҳтождирлар. 2926 нафар уруш қатнашчиси, 3786 нафар уруш ногирони, 4729 нафар афгон уруш ҳамда 737 нафар Чернобил фожеаси қатнашчилари ва ногиронлар шулар жумласидандир.

Ҳисобот даврида вилоят бўйича фуқаролардан тушган 842 та ёзма, 12050 та озаки мурожаатлар қайд этилган. Фактларга эътибор беринг: 387 фуқаро ишдан гайриқонуний бўшатиладиган мурожаат қилган бўлиб, 300 кишининг шикоят бевосита вилоят касабаси уюшмалари кенгашида қайд қилинган. Касабаси уюшмаларининг қарашуви билан 268 киши илгариги вазифаларига қайта тикланди.

## «ШИФОКОР» ДАСТАСИ ХИЗМАТДА

«ШиФокор» ашула ва рақс дастасининг энг фаол иштирокчилари опа-сингил Тамара ва Санам Гафуроваларни Самарқандда танимайдиган санъат шивандаси йўқ десам, муболага бўлмайди. Улар 1997 ва 1998 йилларида ўтказилган туман ва вилоят «Хамшира» кўрик-танловидида голиб чиқиб, республика миқёсида совриндор бўлишди. «Оҳалик» участка шифохонасининг ҳамшираси Дилюром Зайниева ва туман марказий шифохонасининг ҳамшираси Маҳбуба Очиловлар эса вилоят тармоқлараро бадиий ҳаваскорлик тўғрисидаги иштирокчилари кўрик-танловининг бир неча бор голиби.

Бир сўз билан айтганда, ҳеч бир танлов йўқки, унда

«ШиФокор» иштирок этмаган бўлсин. Жумладан, «Инсон манфаатлари йили» ҳамда «Оила йили»га бағишлаб ўтказилган вилоят тармоқ кўрик-танловларида даста катта ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди. «ШиФокор» ашула ва рақс дастасининг энг катта муваффақияти бу, Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан 1998 йилнинг май ойида ўтказилган кўрик-танловда иштирок этиш десак хато бўлмайди. Чунки, «ШиФокор» ҳаваскорлик ашула ва рақс дастаси жамоаси ана шу кўрик-дан Самарқанд вилояти касабаси уюшмалари қошидаги ҳаваскорлик жамоалари орасида биринчи бўлиб «Ўзбекистон касабаси уюшмаларининг мукофоти совриндори» деган юсак унвон

олиб борилаётган сайлов кампанияси иштирокчиларининг маънавий дам олишларида яқиндан ёрдам бериб келишмоқда. Тиббиёт ходимларидан ташкил топан «ШиФокор» дастасининг янада ривожланиши, унинг иштирокчиларини зарурий сахна жиҳозлари ҳамда музыка асбоблари билан таъминлаш масаласини Маҳбуба Абдухамидова раис бўлган туман бирлашган касабаси уюшмаси қўмитаси ўз зиммасига олган ва уни давр талаблари даражасида бажариб келимоқда.

**Ф.ТОШКЕНБОВ, Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси Самарқанд вилоят қўмитасининг раиси.**

### Соғлом авлод учун

қўмитасининг ўз аъзолари билан олиб бораётган мазкур ишлари ҳақиқатан ҳам мактовга лойиқ.

Мазкур касабаси уюшмаси тармоғига тегишли яна бир фаол жамоа «Самарқандгеология» давлат геологик

рари даррақт кўчатларини шу оромгоҳ раҳбари, болалар ва табиатни дилдан севувчи инсон Владимир Степанович Великанов келтириб эккан.

Мана шундай гўзал табиат манзараси ҳар йили ёз ойи

## БОЛАЛАР ОРОМГОҲИДА

корхонасидир. Корхона қошида бундан 33 йил муқаддам очилган «Золотинка» болалар оромгоҳи нафақат вилоятимизда, балки бутун мамлакатимизда машҳур. Бу оромгоҳ остонасидан кирган киши ўзини бутунлай бошқа оламда ҳис этади. У ерда экилган даррақтлардан бирининг ватани Крым бўлса, бошқалариники Германия, Латвия ёки яна бошқа хорижий давлатлардир. Манза-

ларида 2000 нафардан зиёд болаларни ўз бағрига олади. 1999 йил оромгоҳда 2091 нафар бола дам олган бўлса, «Самарқандгеология» давлат геологик корхонаси ва бирлашган касабаси уюшмаси қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасига асосан геология ташкилотларида ишлаётган ходимларнинг фарзандларига 100 фоиз бепул йўланмалар берилди. Оромгоҳда битта стади-

он, тўртта спорт майдончаси, бассейн мавжуд бўлиб, дам олиш даврида тез-тез мусобақалар бўлиб туради. Айниқса, мустақилликнинг 8 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Дўстлик» эстафетаси дам олувчилар хотираларида муҳрланиб қолди.

Хуллас, «Золотинка» болаларга ҳақиқий дам берувчи оромгоҳ. Бу ерда бир марта ором олган бола иккинчи бор яна келишни орзу қилиши табиий.

Тармоқ касабаси уюшмаси қўмитасига қарашли бошқа корхона ва ташкилотларида ҳам бундай масканлар етарли.

**Жўракул Йўлдошев, Ёқилги-энергетика, геология ва кимё санаяти ходимлари касабаси уюшмаси қўмиталари раислари вилоят Кенгашининг раиси.**

### ҚўШИМЧА ТАЪТИЛ

Хўжалик ташкилотлари билан ижтимоий шариқчилик тамойиллари асосида иш олиб бориш бугунги кунда вилоят алоқа ходимлари касабаси уюшмаси қўмитаси иш услубининг асосини ташкил этмоқда. Қўмита ўз аъзоларининг иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий манфаатларини республика алоқа ходимлари касабаси уюшмаси Марказий қўмитасининг Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги билан тузган бош битим ҳамда алоқа соҳаси компаниялари билан тузган битимларига таянган ҳолда фаолият кўрсатиб бораётди. Ундаги кўп аёл бандлар меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя этишга қаратилган. Алоқа ходимлари учун уларнинг меҳнат стажларига қараб қўшимча тўловлар жорий этилган. Хавфли ва зарарли иш жойларида меҳнат қилаётган ходимларнинг маошларига ҳам қўшимча кафолатланган тўловлар берилмоқда. Меҳнат таътилига чиқаётган ходимларга бир ойлик маошлари миқдоридида моддий ёрдам кўрсатилганлиги уларнинг касбга бўлган ҳурматини янада мустаҳкамлаётди. «Самарқандтелеком» қўшма корхонаси ўз ходимларини телефон тўловларидан озод этганлиги ҳам таҳсинга лойиқ.

«Самарқанд почтаси» акционерлик жамияти ва «Самарқандтелеком» корхонасида меҳнат самарадорлигини ошириш, корхоналар иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш учун изланишлар олиб борилиб, бандлик муаммолари ҳал этилаётди.

Аёллар йили муносабати билан хўжалик ташкилотлари ҳамкорлигида бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Бунга мувофиқ корхоналарда ишлаётган хотин-қизларга қўшимча таътил, ҳафтада бир марта эса қисқартирилган иш кунлари жорий этилган. Уч ёшгача фарзандлари бўлган ва болалар тарбияси билан машғул юз нафардан зиёд аёлларга нафақалар бериб берилмоқда. Корхоналарда ўтказилган «Алла» кўрик-танлови, оммавий спорт тадбирлари кўпчиликтида катта қизиқиш уйғотди. «Саломатлик» спартакиадасида тармоғимиз вакиллари совринли ўринларни қўлга киритдилар.

Тармоқ касабаси уюшмаси қўмитасининг олдинда турган режалари ҳам улкан. Уларнинг барчаси меҳнаткашлар турмуш фаровонлигини яхшилашга қаратилган.

**Толиб РАҲМАТОВ, алоқа ходимлари касабаси уюшмаси вилоят бирлашган қўмитасининг раиси.**

### Бозор иқтисоди шароити барча корхона ва ташкилотлар олдида янги-янги масъулиятларни юклайди. Меҳнаткашлар ва оила аъзолари соғлигини муҳофиза қилиш, уларнинг маданий ва маиший дам олишларини таъминлаш ана шу масъулиятли вазифалардан биридир. Бу борада вилоят ёқилги-энергетика, геология ва кимё санаяти тизимидаги касабаси уюшмаси қўмиталарида қилинаётган ишлар диққатга сазовор.

Хусусан, тармоқнинг Самарқанд кимё корхонасига қарашли санаторий-профилакторийда ҳар йили мингга яқин ишчи-хизматчилар даволанадилар. Корхона маъмурияти ва касабаси уюшмаси қўмитаси даволаниш масканини барча зарурий асбоблар билан таъминлашга ўз эътиборини қаратган. Сихатгоҳдаги физиотерапия кабинетлари замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган. Бу ерда даволашнинг барча усуллари мавжуд. 1999 йилда 250 нафар аёл ва уларнинг фарзандлари шифо маскани хизматида мамнуният изҳор этдилар. Ишчи ва хизматчиларнинг дам олишларини таъ-

минлаш учун корхонада санаторий-профилакторийдан ташқари «Кимёгар» маданият саройи ҳамда спорт мажмуи фаолият кўрсатаётди. Бугунги кунда спорт мажмуида ўнга яқин спорт тури бўйича 500 дан ортиқ корхона меҳнаткашлари ва уларнинг фарзандлари шуғулланмоқда. Маданият саройида эса байрамлар кенг нишонланади.

Икки ярим минг ишловчига эга бўлган Самарқанд кимё корхонаси касабаси уюшма



Умр мазмуни фақат моддий нэматлар билангина ўлчанмайди. Инсон учун маданий-маънавий эҳтиёжини қондириш муҳим аҳамиятга эга.

**Суратда: маданият саройида жойлашган кутубхона ҳамда китобхона билан таълим.**

## МУАММОЛАР ЖОЙИДА ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

**Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида кишлоқ жойларда истиқомат қилаётган аҳолини, айниқса, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш муҳим масала ҳисобланади. Республикаимиз Президентининг бу борадаги Фармонлари ва ҳукумат қарорлари юзасидан Жомбой туманида кейинги йилларда бир қатор тадбирлар амалга оширилди.**

Туман деҳқонлари ҳар йили шартномавий режаларни урдаб келмоқдалар. Даромадлар салмоғи ҳам шунга яраша бўлаётди. Шу боис аҳолини электр энергияси, газ, ичимлик суви билан таъмин-

лаш муаммолари ўз вақтида ҳал этилмоқда. Кишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш ҳақидаги дастурга мувофиқ ижтимоий-маиший биноларни қуриш кўлами кенгайтирилди. Ушбу йили 1140 ўринли 4 та мактаб, кўп аёл уй-жойлар, савдо ва маиший хизмат масканлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. 15 километр узунликдаги сув тармоқлари ётқизилди. 50 ўринли учта кишлоқ врачлик пункти аҳолига хизмат кўрсата бошлади.

Ижтимоий ҳимоянинг самарали омилларидан бири одамларни иш билан таъминлаш ва шу орқали оилалар доимий даромад манбаининг яратилишига кўмаклашиш-

дан иборатдир. Айни пайтда туманда 19 та санаят корхонаси, кўп аёл кичик корхоналар мавжуд бўлиб, улардаги иш ўринлари сони ортиб боришига имкон яратилаётди. Хўжаликлар маблағи ҳисобидан кам таъминланган оилаларга, нафақасўрларга ва муҳтождарларнинг айрим тоифаларига қўшимча нафақалар, мактабларнинг аълочи ўқувчиларига стипендиялар тайинланган. Зеро, инсон кадр-қиммати улугланган жамиятда олға силжиш бўлади.

**Мубаро ОБЛОҚУЛОВА, агросанаят мажмуи ходимлари Жомбой туман касабаси уюшмаси қўмитаси раиси.**

1999 йил - Аёллар йили

Аёл деганда кишининг кўз олдига мунис ва меҳрибон она келади. «Она» деган сўз қаршида барча мақтовлар ўз кучини йўқотади. Она шундай буюк тимсолки, унинг меҳрини кўшга, бағрини жаннатга, кўкрак сўгини тириклик сувиغا қиёс қиладилар. Барибир бу ўхшатишлар ҳам Она сиймосини тўла гавдалантира олмайди. Аёлнинг муқаддаслиги - унинг Она бўлишида, ўз вужудида янги зурриётни улғайтириб, уни дунёга келтириб, парваришлаб, фарзандни одамзот дунёсига қўшишида. Она туйфайли Инсоният насли абадий яшаб келаяпти. Қолаверса, бутун борлик, ҳаётнинг ўзи ҳам Онанинг ижоди, Онанинг кашфиётидир.

ТАЪРИФ (кечинма)

Агар биз келажакимиз янада улғувор бўлишни истасак, Аёлни эъозлашимиз керак. Чунки аёлнинг дунёдан кўрган барча яхшилиги ҳам, ёмонлиги ҳам табиат қонуниятларига кўра вужудида пайдо бўлажак ҳомилига ўтади. Маърифатли аёлдан маърифатли фарзанд туғилади, жоҳил аёлдан жоҳил зурриёт пайдо бўлади. Фан шунини тўла иш-ботланганки, фарзанднинг ташқи кўриниши отага ёки бошқа ақилларига тортиши мумкин, бироқ ички дунёси - фикрлаши, туйғулари, атроф-теваракка муносабати, ҳиссиётлари айнан онасидан ўтади. Бундай кўзга кўринмас инсоний белгиларни ўзгартиришга тарбия ҳам ожизлик қилади. Ахир кўлдаги бармоқларни парвариш орқали семиртириш, ҳатто узайтириш мумкин, бироқ бешта бармоқни олтига қилиб бўлмайди-да. Шундай экан, инсоннинг ҳар томонлама мукамал бўлиши унинг туғма фазилатларига ҳам боғлиқ. Туғма фазилатлар эса Она орқали сингади.

ҳам, камчиликлар ҳам, нуқсонлар ҳам акс этади. Қаерда аёлга ўзгача ҳурмат-эҳтиром кўрсатилса, ўша ерда юксак маданият, тараққиёт юзага келган бўлади. Шунингдек, аёлга нисбатан кўрсатилган ҳар қандай муносабат, ҳатти-ҳаракат беиз кетмайди, балки айнан ўша ҳолда қайтади.

Бинобарин, ундан илтифот қуттишдан олдин меҳр кўрсатадилар. Аёл меҳрга меҳр билан, қаҳрга-қаҳр билан жавоб беради. Шундай экан, биз бугун аёлларимизни улғуласак, уларнинг иззатини жойига қўйсак, эртага улардан соғлом, етуқ фарзандлар туғилади. Баркамол авлод эса Ўзбекистоннинг келажакдир. Биз келажакда мўлжаллаган юксак орзуларимизга бекамул эришмоқчи бўлсак, бугун аёлларимизни ардоқлашимиз, уларга энг юқори маданият даражасида муносабатда бўлишимиз лозим.

Биз эрақлар Аёл олдида шу туйфайли ҳам қарздоримизки, аёллар бахтини, ҳаётнинг тўла-тўқисини олиб, қалъани тарк этишларини буюради. Шунда аёллар... елкаларга эрларини кўтариб олганча қалъадан чиқиб кетадилар. Шунчалик буюк ҳикмат учун, вафодорлик учун, аёлларга таъзим қилсак арзийди. Аслида дунёнинг фароғати, инсон умрининг мазмуни ҳам эр ва хотиннинг ўзаро садоқатида эмасми?

Аёлнинг оила, рўзгор фаровонлиги йўлидаги фидойилигини инкор этиб бўладими? Халқимизда: «Эр дарё бўлса, хотин - тўғон» ёки «Эр-подшо, хотин-вазир» деган нақллар бор. Вазир оқил, тадбиркор бўлса, ўша мамлакат гуллаб яшаган. Ёки дарё йўлидаги тўғон нечоғлиқ мустаҳкам бўлса, ошиб-тошиб



келган дарёни жиловлаб, унинг ҳаётбахш сувини яратиш-яшнатишга сафарбар қилиш ҳам қийин бўлмайди. Юртимизда хонадонга фойз-баракат киритиб, болаларни баркамол тарбиялаб, ҳаёт йўлдошининг бошини мағрур тугиб юришини таъминлаб қўйган кўпга уй бекаларимиз бор. Уларга қўлқў қиламиз. Бундай таърифларни дунёдаги барча аёлларга нисбатан қўллаш мумкин, бироқ ўзбек аёлининг тақдирини, бошқа ҳеч кимга ўхшамайдиган ўз нафосати, гўзаллиги бор. Ўзбек аёли - маънавияти бутун дунёни қойил қолдирган, ер юзининг жаннати, дейишига лойиқ Ўзбекистон деб атаган гулистоннинг муаттар чечагидир. Бугун унинг буй-бастини, ҳусни-тароватини, ақли-маънавиятини бутун дунё кўриб турибди ва очикчасига тан бераёпти. Ана шу иқбол учун, бахт-саодат учун, бойлик учун яна ҳам улғувор, танти ва буюк бўлмоғимиз шарт.

Х.МУҲАММАДИЕВ.

КЎПКАРИ - МАРДЛАР МУСОБАҚАСИ

«Исломобод» янги маркази Самарқанд, Бухоро ва Навоий вилоятлари тугашган нуктада жойлашган бўлиб, яқиндагина бу ерда янгича тартиб берилган кўхна миллий ўйинларимиздан улоқ-кўпкари бўйича илк бор халқаро турнир ўтказилди. Махсус ўйингоҳда бўлиб ўтган бахсларни 100 мингдан ортиқ томошабиннинг ҳавас билан қўзатиши ҳам ушбу спорт турига кўпчиликнинг қизиқишидан дарак беради. Нуфузли турнир аъло даражада ўтгани билан томошабинлар эсида узок сақланиб қоладиган бўлди. Биринчи мусобақага терма жамоамиз вакилларининг кўнгилдадек таъйёрлик кўрмагани бахслар давомида сезилиб қолди. Турнирнинг ташкилотчиларидан бири республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси ўринбосари Шавкат Тўлаганов билан суҳбатимиз шу хусусда бўлди.

— Шавкат ака, ушбу улоқ мусобақасидан сиз қандай ҳулоса чиқардингиз?

— Жисмоний тарбия ва спорт соҳаси йил сайин тобора кучайиб бормоқда. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 27 майдаги қарорига асосан мамлакатимизда оммавий спорт ўйинлари, яъни, миллий қадриятларимизнинг бир бўлган бўлиши миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари муҳлисларининг эътиборини тортмоқда. Қисқа вақт ичида миллий курашдаги жаҳон сари юзланди. «Алпомиш», «Тўмарис» ўйинлари фестивали орқали кўпга миллий ўйинларимиз қайтадан бўй кўрсатди. Шунингдек, улоқ ҳам эътиборга лойиқ спорт турларидан бўлиб, унинг жаҳон миқёсига чиқишида бўлиб ўтган халқаро турнирни биринчи қадам дейиш мумкин.

— Мусобақан аъло ташкилий қўмита сўзлашгани билан бир-бир тақдирингиз?

— Томошабинлар янги тартибдаги улоқни кўриб мамнун бўлишганини мусобақалар ташкилий томондан юқори савияда ўтганини бизга маълум қилишди. Турнирнинг раъзий байроғи ва тамгаларига мутахассислар юқори баҳо беришиб, улоқнинг ягона қондаси

ни яратишга киришамиз. Келгусида туманлар, вилоятлар сўнгра республика миқёсда мусобақалар ўтказиб, ҳар бир чавандоз ва зотдор отлар тузилажак федерация томонидан рўйхатга олинади. Улар сараланиб кучли терма жамоа тузилади. — Келгусида улоқни халқаро миқёсда янада ривожлантириш борасида қандай жиҳатларга эътибор қаратиляпти?

— Ўзбеклар билан бирга кўпгина Осиё халқлари ўртасида улоқ азалдан ўйналиб келинади. Шу боис тез орада улоқни Марказий Осиё ўйинлари қаторига кириштиришимизга ҳамда олимпия ўйинлари сари илдам қадам қўйишимизга ишончим комил. Бунинг учун жойларда шахсий, жамоатчилик асосида чавандозлик ҳамда зотдор отлар мактаби ва клубларини қўлайитириш самарали бўлиб, ота-боболаримиз меросидан ўсиб келаятган ёш авлодни баҳраманд этиш лозим бўлади. «Қиз қувди», «Чавгон» каби халқ ўйинларимиз билан учрашувларнинг танафус пайтини ҳам қизқартириб ўтказиш ниятидамыз. Улоқни бутун дунёга тарғиб қилиш, келажакда ягона асосда тадбирлар ўтказиш учун Марказий Осиё республикалари ҳамда кўпкарига қизиқиб билан қараётган Япония, Венгрия, Хитой, Италия, Канада каби давлатларнинг мутахассислари иштирокида 2000 йилнинг январ ойида Бишкек шаҳрида йиғилиш ўтказиш режаси тузилган. Кўпкари бўйича халқаро мусобақа аънавий бўлиб, икки йилда бир марта ўтказилади. Иккинчи халқаро мусобақа 2001 йилда Тошкент вилоятининг отчопарида бўлиб ўтади.

— Республикаимизда улоқ федерациясини ташкил этиш кўзда тутилляптими?

— Шу ҳақда айрим режалар ишлаб чиқилмоқда. Чавандозлар учун герб ва байроғимиз туширилган махсус кийимлар, отлар учун анжолар ишлаб чиқаришни мўлжалляямиз. Кўпкари бўйича яқин ўртада федерация тузиш ниятимиз бор. Қолаверса, шу соҳа бўйича мутахассисларни йиғиб, улоқ спорт турининг илмий асослари

Ғаройиб олам РАҚОБАТЧИНИНГ АЖОЙИБ УСУЛИ

Бразилиядаги Сан-Паулу газеталарида кўйидаги мазмунда эълон ёзилди «Мен томонидан «Фуртадо» универмагада Жакартадан келтирилган илонлар солинган сават йўқолди. Уни топиб менга келтириб берганга катта миқдорда суюнчи берилди». Шундан кейин универмаг бутунлай ҳувилаб қолди. Натияжада хариддорлар бу ерга кирмай қўйдилар. Бу ҳол 3 кун, бир ҳафта давом этди. Магазин ходимлари универмагда бирорта ҳам илон топилмагани ҳақида эълон қилишди. Маҳаллий телевидениеда чиқиш уюштирилди ва хатто молларнинг нархлари 2 бараварига пасайтирилди ҳам, бироқ бари самарасиз бўлди. Ушбу магазин хўжайинининг гапига қараганда, бу рақобатчиларнинг ўйлаб топган ажойиб ҳийласи экан.



Ҳозир гўзал бўламиз...

Чархи гардунда гоҳо-гоҳо тақдирнинг бешафқат ўйинлари қаршида ожиз қоларкансан, киши. Атрофга жовдираб ҳақиқат излайсан, нажот топгандек бўласан. Бағри дарё одамларни кўрганингда кўнглинг тоғдек кўтарилади. Аммо ноҳақ жабр-ситамга дуч келсанчи? Ҳаммасидан ҳам тухмат-маломатга учрашдан Яратганиннг ўзи асрасин. Сирдарё туманилик Елизавета Ким ана шундай синовли дамларни бошидан кечирди. Изтиробли кунлар ортда қолди. Аммо унинг доғи юраклардан ўчиши дарғумон.

Бу муштипар аёл жоҳил ва эърабон бир кимса, ҳуқуқ ҳимоячиси никобига беркинган бир кимса дастидан ўз кўксига ханжар қадади. Лекин яхшилар меҳри, муруввати, ҳиммати уни бу ёруғ оламга қайтарди. Ҳақиқат эгилди-ю, лекин синидади. Ўрнида қарор топди.

...Ўтган йилнинг 14 декабридан 15 декабрига ўтар кечаси Сирдарё вилояти Бахт шаҳрида яшовчи Б.Сидиқовга қарашли автомобил ражидан буюмлар йўқолади. Жабрдийда ички ишлар бўлимига мурожаат қилади. Ўғирлик изига тушиш, уни аниқлаш милиция ходимлари вазифаси. Жиноятни очига Сирдарё туманлараро ички ишлар бўлимининг жиноят қидирув бўлими тезкор гуруҳи вакили Рустам Сидиқов енг шимариб киришди. Ўғри битта, гўмон эса мингта. Ахир у жиноятчини тополмасанима деган одам бўлади. Қолаверса, ўн икки йилдирки, шу соҳада ишлаб келишди. Лекин

гули» тун зулматини ёриб, уларни Бахт шаҳрига элтиб қўйди. Шаҳар ички ишлар бўлимида болалар ўзларини нимага олиб келишганини аниглаб етишди. — Ўғирланган буюмларни қаерга бекитдиларинг, - дея ўдағайлади Р.Сидиқов.

МУНДИРЛИ ЗЎРАВОН Фельетон

— Биз ҳеч нарса ўғирламаганмиз, - дейишди улар бир овоздан. — Шунчама, кўрсатиб кўяман сенларга ўғирлик қандай бўлишини... Ҳали вояга етмаган, она сути оғиздан кетмаган бу гўдақлар дағ-дағ титрашарди. Ҳаммасидан ҳам жиноят қидирув бўлими ходими Р.Сидиқов кўлида ўйнаётган резина таёқ ортиқча бўлди! Бу хўрлик не учун? Болалар изидан келган Сергейнинг онаси Елизавета Ким, Ильяс ва Арсеннинг онаси Изабелла Кимлар ҳам Рустам Сидиқовдан Нордонгина, таҳриқдорчи сўзларни эшитишди. Далстлабки кун болаларга туз тотишга ҳам ружаст этилмади. Улар тап-тақир пол устида дийдираб-қақшаб тонг оттиришди. Назарларидан тонг отса кимдир ҳазиллашди, дея қўйиб юбораётгандек эди. Аммо орзулари сароб экан. Эртасига уларнинг

дўсти 1987 йилда туғилган Борис Лободани келтиришди. Бемор хотини холидан хабар олишга кетган Р.Сидиқов кеч қайтди. У келгунча болалар яна оч қолди. Чунки навбатчи унинг руҳсатисиз овқат беролмаслигини айтиб оналарнинг

эзилган юрагига баттар туз сепади. Расмиятчилик дегандек, терговда иштирок этиш учун холис киши сифатида ўқитувчилардан бири тақлиф ҳам этилди. Аммо ҳали дунёқараш шаклланиб улгурмаган мурғаклар тўрт девор орасида азият чекишдан безиллаб терговчи мақсадига мувофиқ кўрсатмани беришди.

— Елизавета она билан ўғирликка тушдик, - дея ёлғон кўрсатма беришди улар. - Ўлжани кўл атрофига яширганмиз. Р.Сидиқовга жон кирди. У ўғирликдан азият чеккан Б.Сидиқов ва болаларни олиб, бир неча нафар милиция ходимлари кўмағида кўл атрофини ағдар-тўнтар қилиб қўришди. Қўлга олинадиган ҳеч нарса топишолмади. Болалар яна ёлғон кўрсатма беришди. Улар ўрнини Елизавета Ким эгаллади. Бу жабрдийда Сирдарё туманлараро ИИБ вақтинча ҳиссада сақлаш хона-

сида 3 кун, сўнгра Бахт шаҳар ИИБда яна 2 кун қонунсиз ушлаб турлиди. Ўтган бу машум беш кун Е.Ким учун бир асрга тенгдек эди. Чунки инсонийлик қиёфасини йўқотган Р.Сидиқов не қилиқларни қилмади дейсиз. Қийнокнинг турли усулларини қўллади.

Хўрлаш, адолатсизликдан тўйган Елизавета Ким ўз жонига қасд қилишга қарор қилади. Сўроқ пайтида у ҳоҳатта чиқиб келишга изн сўрайди. Рустам Сидиқов ҳам тоза ҳавога йўл олади. Пайтдан фойдаланган Е.Ким милиция ходими столи устидаги йиғма пичоқни олиб кўйнига яширади. Сўнгра ҳоҳатта чиқиб баҳонасида ҳовлига чиқиб ўз қорнига пичоқ санчади. Сирдарё туман марказий шифохонаси шифокорлари сазй-ҳаракати билан унинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Бор гап шу. Собик милиция ходими Р.Сидиқовни ўз қилишига қора курси сари етказди. Судда у ўзини ҳар ён ташла-масин, ҳақ жойда қарор топди. Шарафли қасбига, поқдомон ҳамкасблари номига иснод келтирган мундирли зўравон адолатли ҳукмдан қочиб қутулмади. Қилмишига яраша жазосини олди. Халқимиз айтганидек, «Ҳар кимки вафо қилса вафо топгусидир, ҳар кимки жафо қилса жафо топгусидир».

Бахтиёр УТАНОВ, Нурилло ШАМСИЕВ.

Мутахассис маслаҳати КАМҚОНЛИКДАН САҚЛАНИНГ

Мазлумки, қон инсон организмда бетўхтов ҳаракатланувчи суюқ тўқима бўлиб, у ҳужайраларга етиб бориб, уларнинг ҳаёт ҳақида физиологик фаолиятларининг баҳарлишини таъминлайди. Қон ҳужайраларга ислоддор етказиб беради ва карбонат ангидрид газини олиб кетади (нафас фаолияти), овқат ҳазм қилиш органларидан озиқ моддаларни бутун организмга тарқатади, моддалар алмашинуви маҳсулотини чиқариш органилари (буйрак) олиб боради. Қон организмни зарарли моддалар ва ёлғардан ҳимоя қилади. У гавад ҳароратини доим бир мейёнда сақлашда муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, ҳозир дунёда салкам 2 миллиард одам камқонлик даражидан азоб чекаётди. Олимларнинг таъкидлашича, турғунлик йилларида Ўзбекистонда ҳам у кенг тарқалши учун қатор табиий-иклимий, иқтисодий-моддий омиллар юзага келган. «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жағмарасининг «Камқонликка қарши кураш» Дастурида таъкидланганидек, минтақамиз тупроқларида барча мамлакатларда бўлгани каби темир биологемия этилшмовчилиги сабабли юзага келадиган камқонлик кенг тарқалган.

Статистика маълумотларига кўра, ҳозир республикамизда катта ёшли аҳолининг 15, ўсмирларнинг 20, ҳрмиладор аёлларнинг эса салкам 70 фоизи турли даражадаги камқонликка чалинганлиги ташвишландир. Темир еттишмасининг келиб чиқадиган камқонликка аксарият ҳолларда қон йўқотиш сабаб бўлиши аниқланган. Оз-осядан узок вақт қон кетиб турганда (масалан, бавосил, бурун, меъда ва ўн икки бармоқлик ичак яраси, ҳайз қони) қўнгина камқонлик кузатилади.

Темир моддаси ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида она қонидан йўлдош орқали ҳомилага ўтиши ва унинг тўқималарида тўпланиши кузатилади. Бола туялгач, дастлабки тўрт ой мобайнида темир моддаси унга кўкрак сути билан ўтади. Ана шу инсон учун бебаҳо захира бўлиб, умрининг охирига қадар унга хизмат қилади.

Балогатта етиш даврида бола тез ўсади. Баъзи ўсмирларда темир захираси етарли бўлмаслиги, уларнинг овқатланиш тартиби ва овқат сифатига эътибор берилмаслиқ натижасида ҳамда ўсиш жараёнида сунчаларнинг темирни кўпроқ ўзлаштириш ҳисобига етишмовчилик вужудга келиб, камқонлик пайдо бўлиши мумкин. Қўнгина турдаги камқонликларнинг умумий аломатлари рангнинг оқариб кетиши, дармонсизлик, бош оғриғи ва бош айланishi, кўз олди қоронғилиши, тез чарчаб қолиши, тирноқлари юқаллашуви ва мўрт бўлиб қолиши, юрак ўришининг тезлашиши, ҳарсиллаш ва бошқалар ҳисобланади. Касаллик илк даврда турти қуриши, оғиз бурчаклари бичилиши, товон ёрилиши, соч ингичкалавиши, тез синиши ва кўп тўкилиши, милқлар ялғиллаши кузатилади. Шундай пайтларда бемор лой, бур, тупроқ, резина, кўмир каби нарсаларни истеъмол қилишни хоҳлайди, қўнги бензин, керосин, ацетон, буюқлар ҳидига мойиллик сезади, аччиқ, шўр таомларни ҳуш қўради. Камқонликни даволашда махсус доривор ўтлардан таъйёрланган дилмама, қайнатма, настойка ва баъзълардан самарали фойдаланса бўлади. Қони кам бўлган одам ўзини дори ўрнида ишлаши мумкин. Қора майиздан 100 грамм, ёнғоқ ва тоза асалдан ҳам шунча миқдорда олиб, майдалаб, яхши-лаб аралаштирилади. Сўнгра, банкага солиб, қоронғи жойда сақланади ва кўнига 3-4 маҳал овқатланишдан 10-15 дақиқа олдин бир чой қошиқдан истеъмол қилиб қорни фойдаландир. Сафар МУҲАММАДИЕВ, доцент.

ISHONCH МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚҲҮМОВ Таҳрир қаймати: Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари - «Ишонч-Доверие»), А.Алламурдобов (масъул котиб - «Ишонч»), Ч.Латипов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73 Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилнинг: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134 Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерда терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотивда эркин нархда. «Шарқ» нашриёт - матбаа концерни босмахонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти: 21.00 Топшириди: 23.30